

АЙБГА ИҚРОРЛИК БҮЙИЧА КЕЛИШУВ – ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИ ИНСТИТУТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Эргашев Абдусалом Хасанович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси магистратура ташкилий тактик
бошқарув мутахасислиги 2-гурух тингловчиси подполковник

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада айбга иқрорлик түғрисидаги келишув тушунчасининг мазмуни ва моҳияти очиб беришга қаратилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилиш орқали ушбу тушунчага янги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Калит сўзлар: айбга иқрорлик, тергов, келишув, шартнома, қарор, гумон қилинувчи, айбланувчи, жиноят, хуқуқ, эркинлик.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда шахснинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, жиноятларни тез ва тўлиқ очиш, жиноятдан жабр чеккан шахсларга етказилган зарарни қоплаш, айбсиз инсонлар жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг жиноятларга доир мурожаатларини ўз вақтида рўйхатга олиш ва қонунда белгиланган тартибда ҳал этиш, суд-тергов амалиётида шахсга нисбатан қийноқقا солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича кенг кўламли ва самарали механизmlарни жорий қилиш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажрибани жорий этиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Шундай бўлсада, бугунги кунда суд-тергов амалиётининг таҳлили жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ўзининг ечимини топмаган бир қатор масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бундай муаммолардан бири сифатида айбга иқрорлик түғрисидаги келишув институтининг қўллаш борасидаги аниқ механизмларнинг мавжуд эмаслигини таъкидлаб ўтиш мумкин бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, мазкур институтни такомиллаштириш борасида бир қатор илмий тадқиқотларни амалга оширишни талаб этади. Ҳар қандай муаммони ўрганиш ёки таҳлил қилиш аввало унинг мазмун моҳиятини англаб олиш лозим бўлиб, бунинг учун ушбу муаммонинг қонунчиликда тартибга солиниши ҳамда ижтимоий-хукуқий заруратини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тушунчаси жиноят-процессуал қонунчилигида мутлақо янги институт бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон қонуни қабул қилиниши асосида ЖПК “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув” деб номланган янги 62 – боб Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилиши билан боғлиқдир.

Жиноий ишларни соддалаштирилган тартибда кўриш борасидаги жаҳон амалиётида мавжуд ижобий иш юритишнинг миллий процессуал қонунчиликка жорий этилиши фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасидаги замонавий механизмлардан бири бўлиб, Жиноят-процессуал қонунчиликка жорий этилган айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳам шундай институтлар сарасига кириб, унинг бош мақсади — давлат айловчисининг айбланувчини содир этган жинояти юзасидан иқрорлиги асосида судда енгилроқ жазо тайинланишига эришиш, шу билан бирга, кўплаб сансалорликларга сабаб бўладиган узоқ давом этувчи тергов ва суд жараёнларини қисқартириш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹-моддаси кўра “Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган гумон қилинувчининг ёки айбланувчининг илтимосномасига асосан назорат қилувчи прокурор билан ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузиладиган келишув¹” эканлиги кўрсатилган.

Юқоридаги фикрдан кўриниб турибдики, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув, жиноят ишини юритишни ўзига нисбатан қўйилган гумонга,

¹ Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 586¹- моддаси



айболовга рози бўлган шахс ва прокурор ўртасида тузиладиган келишувдир. Бунда гумонланувчи ёки айбланувчи жиноятнинг очилишига фаол кўмаклашган ва келтирилган зарарни бартараф этган бўлиши лозим. Бундай келишувлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддасида назарда тутилган жиноятларнинг таснифланишига кўра “ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноят²”лар бўйича тузилиши белгиланган.

Ўз навбатида, қонунчилигимиздаги айбга иқрорлик бўйича келишувнинг ярушув институтига ўхшаш жиҳатларини қайд этиш лозим. Яъни, иккала ҳолатда ҳам жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар бу жараёнда иштирок этади ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган зарарнинг бартараф этилгани ёхуд этилмаганига аниқлик киритилади.

Бу борада жабрланган тараф ёки фуқаровий даъвогарнинг фикри келишув тузишнинг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Қонунчилигимизга биноан “жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқрорлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда суд айбов ҳукми чиқариб, жазо тайинланиши³” белгиланган.

Аслида, «келишув» сўзининг маъноси ҳам икки келишаётган томоннинг ўзаро қулай ва манфаатли мақсадлар марказини топишини англатади. Жиноят-процессуал қонунчилиқда мазкур сўз айбланувчи билан давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишувни ифодалайди.

Айбга иқрорлик институтининг пайдо бўлишига назар ташлайдиган бўлсак, у Буюк Британия судлов тизимида ўрта асрлардаёқ қўлланила бошлаган бўлиб, мазкур институт кейинроқ АҚШ қонунчилигига кириб келган. Ҳозирги кунда айнан АҚШ процессуал қонунчилик тизимида ундан самарали фойдаланилиб, 2022 йил давомида АҚШ федерал судларининг 95 фоиз ишлари келишиши асосида ўз ечимини топган. Буюк Британияда эса, бу кўрсаткич камроқ нисбатни ташкил этади, яъни магистрат судларда кўрилган ишларнинг 87 фоизи келишув асосида тугалланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилиши ўзининг бир қатор ижобий тарафларига эга бўлиб,

² Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддаси



улар ўзаро зиддиятда бўлган томонлар муносабатларининг тез орада юмшашига, айбланувчи ёки судланувчининг айбига иқрорлик билдиришга тайёрлиги, жазони ўтай бошлишига, судлов ва айблов органларининг вақт ва маблағлари тежалишига, айблов органлари ўз вақтини оғир жиноятларни очишга қаратиши ва судларда жиноят ишларини кўрилишининг камайишига олиб келиши билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, АҚШ судлов тизимида айбланувчининг айби исботланишининг бош шарти — унинг ўз айбини тан олишидир. Бинобарин, англосаксон ҳукуқ тизими жиноят ишлари юритувида исботлаш методлари кўп ҳолатда расмиятчиликни, катта молиявий маблағни ва вақт борасида катта харажатларни талаб этиши билан кескин фарқ қиласди.

Шу аснода айбланувчининг ўз айбини тан олиши кўп ҳолларда узоқ давом этадиган тергов ва суд босқичларини қисқартиришда, оворагарчиликларининг олдини олишда айбланувчининг ўзига нисбатан ҳам кўп ҳолларда самарали процессуал ҳаракат ҳисобланади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти, айрим олимларнинг фикрича, муайян салбий жиҳатларга ҳам эга эканлигини “Я.В. Лошкобанов, В.В. Колесник ва Н.А. Дудина³” томонидан айтиб ўтилган. Бироқ бу омиллар жиноят процессини юритувчи мансабдор шахслар, жумладан, тергов органларининг айбни «ҳар қандай ҳолатда тан олдиришга интилиши» натижасида айбланувчи ўзини ўзи ёлгон айблаш ҳолати, айбсиз инсоннинг айбланувчига айланиб, жиноят содир этган шахснинг жазосиз қолиб кетиши, шунингдек, содир этилмаган жиноят учун айблов эълон қилиш ҳолатларида намоён бўлади. Шу каби ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда айбга иқрорлик келишуви суд томонидан кўриб чиқилгандан сўнг тасдиқланади.

Бунда суд келишув гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан ихтиёрий равища тузилган-тузилмагани, келишувнинг моҳияти ва шартларини тушунган-тушунмагани, унинг оқибатларини англаб етгани, судланувчининг ўзи шахсан келишувни қўллаб-қувватлашини аниқлайди.

³ Central Asian Research Journal For Interdisciplinary Studies (CARJIS) ISSN (online): 2181-2454 Volume 2 | Issue 3 | March, 2022 | SJIFactor: 5,965 | UIF: 7,6 | Google Scholar | www.carjis.org DOI: 10.24412/2181-2454-2022-3-119-125 E-mail: carjisor@carjis.org 123





Англосаксон ҳуқуқ тизими давлатларида ҳам келишув институтидан самарали фойдаланилади. Бунинг асосий сабабларида бири шуки, ушбу мамлакатларда ҳар қандай процессуал жараён тарафлар тортишуви асосида ечим топиши, иш юзасидан тортишув ва фикрлар хилма-хиллиги бўлмаган ҳолатда жиноят иши юритуви ҳам бўлмаслигини инобатга олиб, мазкур мамлакатларда тарафлар ўртасидаги келишувга ҳар қандай босқичда йўл қўйилади.

Айнан айбланувчи томонидан айбнинг тан олиниши (*guilty plea*) унинг ижтимоий хавфли қилмиши юзасидан суд муҳокамасидан воз кечганини билдиради. Айбланувчи айблов органи билан келишув (*plea bargaining*) имзолаши ҳам мумкин.

Мазкур келишув айбланувчига бир қатор юридик имтиёзлар беради. Яъни:

- айблов доираси қисқартирилиши ёки ундан айрим эпизодларнинг чиқарилиши ва квалификациянинг енгилроқ томонга йўналтирилиши;
- жазо ҳажми, миқдори ва ўташ тартибининг қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроғи тайинланиши.

Очиқ суд мажлисида айбланувчига унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилади. Имзолаётган келишув ихтиёрий тузилганига ишонч ҳосил қилиш учун унга саволлар берилади.

Суд айбланувчига мазкур келишувни рад қилиши мумкинлигини тушунтиради ёки айбланувчи шахсига оид маълумотларни тўлиқ ўрганиб чиқиш учун жиноят ишини кўришни қолдиради.

Шунингдек, суд тарафлар тақдим этган далилларни тўлиқ текширади. Яъни судлов тизими келишувни автоматик тарзда қабул қилиб, у юзасидан бир хил хулоса чиқармайди.

Россия жиноят-процессуал қонунчилигига ҳам келишув институти янги институт сифатида киритилган ва амалиётда самарали ишламоқда. Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 40-бобида “айбланувчига эълон қилинган айбга нисбатан иқорорлиги ва розилиги юзасидан ўтказиладиган суд мажлисининг алоҳида тартиби мавжуд⁴”лиги кўрсатилган.

Ушбу нормада айбланувчининг айбига иқорорлиги юзасидан аризаси ва суд муҳокамасисиз ҳукм чиқариш юзасидан келтирилган илтимосномани

⁴ Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексининг 40-боби

мазмунан ҳал қилиш тартиби қайд этилган. Бундай ҳолатда суд тергови ўтказилмайди.

Айбга иқорорлик бўйича келишувнинг ярашув институтига хос жиҳатлари мавжуд. Яъни иккала ҳолатда ҳам миллий қонунчилигимизга асосан жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар бу жараёнда иштирок этади ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан етказилган заарнинг бартараф этилгани ҳолатига ойдинлик киритилади.

Бироқ ярашув институтида келишув судланувчи ва жабрланувчи ўргасида амалга оширилса, айбга иқорорлик бўйича келишувда айбланувчи ва давлат тимсолидаги қонун, адолат билан келишув тушунилиши лозим.

Шу ўринда АҚШ судлов қонунчилиги асосида айбланувчи ёки судланувчи томонидан айбига иқорорлик келишуви имзоланганида жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг манфаатлари қай даражада ҳимоялангани масаласига муҳтасар тўхталиш лозим.

Мазкур давлат қонунчилигига кўра, келишув тузиш жараёнида жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг манфаатлари акс эттирилмаган. Содда қилиб айтганда, ушбу жараёнда жабрланувчи, фуқаровий даъвогарнинг розилиги ёки қаршилиги келишувни амалга оширишда деярли инобатга олинмайди.

Жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга етказилган заарни қоплаш чоралари ҳам мазкур келишув юзасидан чиқарилган суд хукмида ўз аксини топмайди.

Миллий қонунчилигимизда эса, бу масалага Шарқ менталитетидан келиб чиқиб ёндашилди. Натижада жабрланган тараф ёки фуқаровий даъвогарнинг фикри бундай келишув тузишда муҳим шартлардан бирига айланди.

Миллий қонунчилигимизга биноан жиноят иши суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг айбга иқорорлик бўйича келишуви судга келиб тушган пайтдан эътиборан бир ойдан кечиктирмай кўриб чиқилади. Келишув тасдиқланган ҳолларда суд айблов ҳукми чиқариб, жазо тайинлади.

Бироқ жиноят бўйича тайинланадиган жазо муддати ёки миқдори Жиноят кодексининг тегишли моддасида ёки қисмида назарда тутилган энг кўп жазонинг ярмидан ошмаслиги керак.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалқаро майдонда самарали фойдаланилаётган процессуал институтларнинг мамлакатимиз жиноят, жиноят-процессуал қонунчилигига миллийлигимиздан келиб чиқсан холда киритилиши, ўз навбатида, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси янада юксак поғонага кўтарилишида муҳим омил бўлади.

